

МАДАНИЯТДАГИ УЙГУНЛИК

Хонтўраев Нодир Азим ўғли

А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчisi

E-mail: nodirkhanturaev4@gmail.com

Аннотация: Юксак миллий маданият, ҳар бир даврда жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштирувчи асосий восита бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмокда. Миллий маданиятимизни минтақавий ва умумисоний қадриятлар билан яқинлаштириш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг сермазмунлиги ва кўпқирралилиги билан жамиятимиз хаётида ўз аксини топмоқда. Умумисоний маданиятни уйғунлаштириш, унинг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи лозим.

Калит сўзлар: миллий маданият, умумисоний қадриятлар, умумисоний маданият, жаҳон цивилизацияси, маданий-маънавий ютуқлар.

HARMONY IN CULTURE

Abstract: High national culture has always been and still is the main means of bringing peoples of the world together. Bringing our national culture closer to regional and universal values is of great importance. The reforms implemented in this regard are reflected in the life of our society with their richness and versatility. Harmonization of universal culture, wide promotion, and popularization of its best examples should be the basis of the spiritual education of the young generation.

Keywords: national culture, universal values, universal culture, world civilization, cultural and spiritual achievements.

Маданият инсоният тарихининг илк даврларидан бери унинг ажралмас ҳамрохи, инсоннинг ўзи каби қадимийдир. Оламда маданиятсиз эл, миллат ва халқ йўқ. Ҳар қандай халқ ёки миллат тарихий ривожланиш ва тараққиёт мос келадиган ўзига хос маданиятга, бу борада ҳам умумисоний ривожланишда ўз ўрни ва хусусиятларига эга. Мисрликлар қадимдан қолган пирамедалари, хитойликлар Буюк Хитой девори, европаликлар эллада ва Рим тарихи билан боғлиқ ёдгорликлари, илмий кашфиётлари билан умумисоний маданиятга хисса қўшганлари каби бошқа халқларнинг ҳам бунда ўз ўрни ва хиссалари бор. Бу борада муайян халқлар ўзига хослиги, унинг хозирги даврдаги ривожланишини илгариги ижтимоий холати билан солиштирилиши тўғрисила нихоятда эҳтиётклорлик билан фикр юритиш мумкин, аммо бу масалага бошқа миллат нуқтаи назаридан ёндашиб бўлмайди. Демак, жаҳондаги биронта халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умуман жаҳон цивилизациясидан мутлоқо ажралган, алоҳида маданиятга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг маданий-маънавий ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Шу сабабли барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиши, тарихи бир-бири билан чамбарчас бўлиб кетган.

Марказий Осиё худудида истиқомат қилувчи ўзбек, тоҷик, қозоқ, қирғиз, туркман халқларига хос бўлган қадриятларни эслатиб ўтишимиз мумкин. Буюк Турон диёрида униб ўсган мазкур халқларининг тарихи, тили, маданияти, дини, урф-одат ва анъаналарида жуда кўп умумийлик мавжуд. Улар ҳамиша бир-бирларига оға-ини, қуда-дудагай бўлганлар, ҳозир ҳам ҳамжихат, тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Мазкур халқларнинг иқтисодий, маданий, маънавий, савдо-сотик муносабатлари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Миллатларнинг маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари, миллий адабиёти, санъати ва бошқалар билан умумисоний қадриятларнинг миллий даражадаги намоён бўлиш шакллари боғлангандир. Уларнинг асосида ҳар бир миллат, халқ ёки элатнинг тарихий ривожланиш жараёнида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий хусусиятлар ва жиҳатлар ётади. Миллат фақат муайян

худудда яшайдиган ва бир хил тилда сўзлашадиган кишилардагина иборат эмас, балки умумий маданий-маънавий жиҳат ва хусусиятлар асосида мавжуд бўлиб турган тарихий-ижтимоий бирлик ҳамdir.

Ҳар бир халқ маданияти ўзига хос ва бетакрор бўлиб, у ривожланади ва такомиллашади. Бу айниқса, қон-қариндош халқлар боғлиқ маданий қадриялар ривожида катта аҳамият касб этади. Араблар, хитойлар, славянлар, туркий забон халқларининг умумий маданий қадриятлари бор. Шу билан бирга бу халқлар мансуб миллатларга хос хусусий маданий қадриятлар ҳам мавжуд. Бу борадаги фарқларнинг озлиги, уларнинг асосий этнос-она халқдан ажралиш жараёни тарихан кам давом этаётганлиги билан боғлиқ. Аммо ўз навбатида, бу фарқларнинг мавжудлиги эса ана шу жараённинг реалигини ҳам акс эттиради.

Ўзбек халқи маданияти ҳам фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умумисоний маданиятлар таъсирида ўсди, ривожланди. Унга хитой, эрон, араб, юнон, рус, қадимги дунё ҳамда Рим даври маданияти ва жаҳондаги бошқа маданиятлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз навбатида, ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданияти тараққиётига фаол таъсир кўрсатди.

Маданиятимиз буюк намоёндалари Мусо Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг дурдона асарлари жаҳон маданиятининг ажralmas қисми эканлиги бунга мисол бўлади. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру даст ба кор” деган ҳикмати инсоният тарихида умри боқий тамойиллардан бирига айланган. Мутафаккир “Мени яратган Аллоҳнинг ўзи боқиб олади”, - деб ҳеч қандай фойдали меҳнат қилмай, фақат тоат – ибодат билан машғул бўлишни эмас, балки инсон Аллоҳни дилга жо қилиб, баҳоли қудрат ҳалол меҳнати билан ризқ териб ейиши лозимлигини уқтиради. Ул зоти шариф мазкур қоидага биринчи навбатда ўzlари амал қилганлар. Жумладан, у киши талабаларни ўз сулукига қабул қилиш пайтида ёшлардан: “Бирон касбинг борми?” – деб албатта

сўпар эканлар. Ҳунарсиз кишиларни эса ўқишга қабул қилмаганлар. Бунинг сабабини Нақшбанд шундай изоҳлади: “Агар киши ҳунарли бўлса, у киши билимини ҳақиқатга бағишлийди, ўз меҳнати билан кун кечиради. Борди-ю, касби бўлмаса, билимини тирикчиликка сарф этади, ҳалол меҳнатни унутади”. Донишмандинг бу ўгити пайғамбаримизнинг “Сизларнинг яхшиларингиз – дунё ишини деб, охиратини деб дунё ишини тарқ қилмайдиган ва бошқаларга малоллик тушунмайдиган” - деган ҳадисларига тўла мос келади.

Маданиятнинг барча турлари, урф-одат ва анъаналарнинг мажмуасидан ташкил топган миллий қадрият жаҳон халқарини бир-бирига яқинлаштиришда, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Ҳар бир миллат ва элатнинг миллий маданиятида мазкур халқнинг руҳий бойлиги, унинг урф-одатлари, анъаналари мужассамлашган маънавияти бўлади, айни вақтда улар умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмини ташкил этади ва шу тариқа у жаҳондаги барча халқларнинг маънавий бойлиги ҳам бўлиб хисобланади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси нафузли халқаро ва минтиқавий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашиб, шулар орқали жаҳон халқларига миллий маданиятимиз, маънавиятимизни таништиришга муяссар бўлмоқда. Бунга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият билан шугулланадиган органи (ЮНЕСКО) билан маданий алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасида қилинаётган ишлар ёрқин мисол бўла олади.

Жаҳон давлатлари эътироф этганидек, Марказий Осиё минтиқаси халқлари асрлардан бери жаҳон маданияти тараққиётига салмоқли хисса қўшиб келганлар, уларнинг фан, хужалик фаолияти ва санъатда эришган ютуқлари бутун инсониятнинг бойлигига айланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Жаҳон Фалсафаси.Т.: “Файласуфлар миллий жамияти нашриёти”. Т. 2004.
2. Murodovna, O. B. (2021). The Issue of Civil Society in Political and Legal Education. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 25(6), 9644-9656.
3. <https://kun.uz/uz/129028?q=%2Fuz%2F129028>

